

Албатта, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан ўқитувчилик касби ҳақида айtilган мазкур маънодаги фикрлар ўзининг ҳаётий асосларига эга. Буларга мисол сифатида мустақилликнинг даслабки йилларидаги оғир иқтисодий ва ижтимоий шароитлар туфайли бошқа касб ва ҳунарлар инкирозга учраганида ҳам ўқитувчилик касбини давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қуватлаб келинганилигини ва бу ҳозирда ҳам давом этаётганилигини қайд этиш лозим. Шунга қўра, шубҳасиз, ўқитувчилик касби мустақил Ўзбекистон давлати ва жамиятида катта ҳурмат ва эъзозга эга касб. Яна шуни айтиш керакки, ҳозирда ҳам мазкур касб фаолиятининг молиялаш давлат бюжети томонидан тўлиқ қафолатланган.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ўқитувчилик мамлакатдаги иқтисодий томондан даромадли касбларнинг бири. Лекин, мазкур касбнинг жамият ривожига таъсири томонидан бошқа даромадли касб ёки ҳунарлар билан солиштиришда ўқитувчилик касби бугунги шиддатли ижтимоий-сиёсий жараёнларда (иш жараёнига янгича ёндашувни, ижодкорликни нисбатан камлиги туфайли) пассив характер касб этаётганилиги маълум бўлиб қолмоқда. Ҳақиқатан ҳам ҳозирда бу касб қонуннинг айримлари ўзларида давлат ва жамиятни ривожлантирувчи жуда катта потенциал куч мавжудлигини англаб етмаётир[4:67].

Миллий мафқурани шакллантириш ва уни тарғиб этиш жараёнининг асосий субъекти бўлган ўқитувчилар билан боғлиқ, бу муаммо албатта, келажакимиз тақдирига дахлдор муаммо ҳисобланади. Мазкур муаммони ечими биздан биринчи навбатда, ўқитувчилик фаолиятини бозор иқтисодиёти қонунлари амал қилаётган жамиятимиздан ажралиб қолишини олдини олиш ва уларни ҳам бозор иқтисодиётига асосланган жамиятнинг тенг ҳуқуқли субъектига айлантишларини таъминлайдиган шароитни вужудга келтиришни талаб этади.

Ҳозирда ўқитувчиларга ўз интеллектуал мулкларини қонуний равишда бозор иқтисодиётидаги мулкнинг бир шакли сифатида фойдаланишларини таъминлаш ва айни вақтда бу мулкни ягона харидори давлатдир - деган тамойилдан воз кечиб, жамият ахлини мазкур мулкнинг асосий харидорларига айлантириш зарурияти вужудга келмоқда.

Тан олиб айтиш керакки, бу вазибаларни ҳал этиш бугунги кунда таълим тизимида ўтказилаётган ислохотларни янада кенг қўламада олиб боришни талаб этади. Жумладан, бу ислохотлар ўз негизда ўқитувчилик фаолиятини таъминловчи таълим муассасаларининг муайян қисмини давлатнинг молиявий таъминотидан чиқаришни ҳамда уларнинг ўрнида давлат билан шартнома асосида ишлайдиган, ўзини-ўзи молиявий таъминлайдиган хусусий таълим сектор (ХТС)ларини вужудга келтиришни ҳам кўзда тутати.

Мавжуд муаммони бартараф этишда масалани бундай йўсинда қўйилишининг сабаби шундаки, бу йўналишдаги ислохотлар таълим тизимида ва ўқитувчилар фаолиятида

албатта, жуда катта ижобий ўзгаришларни вужудга келтиришга қодир бўлиб, бу ислохотлар орқали:

Биринчидан, мамлакатимиз таълим тизими бевосита бозор иқтисодиёти қонуниятларига мослашади ва дунёда таълимни бозор иқтисодиёти қонуниятларига асосида ташкил этиб ривожланган давлатларнинг таълим тизими билан рақобатлаша олади;

Иккинчидан, хусусий таълим секторларини вужудга келиши давлат томонидан таълим тизимига сарфланаётган (чиқим) маблағларни ва ушбу маблағларни мувофиқлаштириш устидан олиб борилаётган ҳужжат ишларини қамайишига ва айни вақтда улардан келадиган (масалан, даромад солиғи қўрилишидаги) маблағлар орқали давлат бюжетида кирим маблағларни қўпайишига олиб келади.

Учинчидан, таълим муассасалари бозор иқтисодиёти жараёнига тортилади ва улар (давлатга қарашли ҳамда хусусий таълим секторлари)нинг фаолиятларида ўзаро рақобат муҳити қарор топади;

Тўртинчидан, бозор иқтисодиётининг талаб ва таклиф тамойилига асосан, таълим-тарбия жараёнининг асосий субъекти бўлган ўқитувчилардаги интеллект бевосита мулкка айланади ва бу орқали улар ўзларидаги потенциал кучни янада теранроқ англаб етадилар;

Бешинчидан, таълим муассасаларининг муайян қисмини хусусийлаштириш унда ишлайдиган раҳбар ва ходимларда хусусийлашган таълим муассасасига нисбатан мулк хиссини уйғотиб, таълим тизимида ҳам мулккий муносабатларини вужудга келтиради. Бу эса, ҳозирда давлат таълим муассасаларида кўзга ташланаётган давлат ва жамоат мулкни талон-тарож этиш, мансабини суъистемол қилиш, катта-кичик порахўрлик сингари зиёлилар шаънига доғ бўлиб тушаётган ҳолатлар илдизини қирқилишига олиб келади.

Олтинчидан, иқтисодий мустақиллик, ўқитувчиларнинг жамият ҳаётида ижтимоий статусини янада кўтарилишига олиб келади. Ижтимоий статуси юқориларнинг сўзи ҳам таъсирчан бўлишини инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, ижтимоий статуснинг кўтарилиши ўқитувчиларга миллий мафқурани янада шакллантириш ва уни тарғиб этишда катта имкониятларни юзага чиқаради.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ҳозирда мамлакатимиз таълим тизими ва шу орқали ўқитувчилар фаолиятида амалга оширилиши керак бўлган бу каби ислохотларнинг чегараси йўқ. Чунки, “токи ҳаёт давом этар экан, таълим ҳам, тарбия ҳам замон ўртага қўяётган янги-янги талабларга қўра муттасил равишда ўзгариб-янгилашиб бораверади” [5:26].

Мамлакатимиз таълим тизими ва унинг асосий субъекти бўлган ўқитувчилар фаолиятини янада самарадорлигини оширишга мўлжалланган шу каби ислохотлар албатта, миллий мафқурани шакллантириш ва шу асосда жамиятдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда мустаҳкам асос бўлиши мукаррар.

Адабиётлар

1. Ғойибназаров Ш. Оммавий маданият. – Т.: “Ўзбекистон”, 2012.
2. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси № 4, - Т.: “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат нашрети. 2002.
3. Каримов И.А. Юсак маънавият-енгилмас куч. - Т.: “Маънавият”, 2008.
4. Йўлдошев Ж.Ғ. Малака ошириш таълим-тарбия омилли. -Т.: «Ўқитувчи», 1993.
5. Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада миллий мафқура билан ўқитувчилик фаолияти ўртасида ўзаро алоқадорлик мавжудлиги ҳақида сўз боради. Мақолада миллий мафқуранинг таъсирчанлигини оширишда уни шакллантирувчи ва тарғиб этувчи асосий субъект - ўқитувчининг фаолиятини бугунги бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш масаласига эътибор қаратилган.

РЕЗЮМЕ

Настоящая статья посвящается вопросам взаимосвязи преподавательской деятельности и национальной идеи. В статье основное внимание уделяется соответствию преподавательской деятельности требованиям рыночной экономики с целью повышения степени воздействия национальной идеи, где учитель является основным субъектом формирования и пропагандирования национальной идеи.

SUMMARY

The article focuses on the issues of the relationship and interaction between teaching and the national idea. The article focuses on the relevance of teaching to requirements of the market economy in order to increase the impact of the national idea, where the teacher is the main subject of the formation and promotion of the national idea.

ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

И.Ж.Мамбетова – ассистент ўқитувчи

Бердақ номидаги Қорақалтоқ давлат университети

Таянч сўзлар: шахсга йўналтирилган таълим, тарбия, педагог, таълим оловчи, педагогик фаолият, билим, амалиёт.

Ключевые слова: образование направленное на личность человека, воспитание, педагог, обучающийся, педагогическая деятельность, знание, практика.

Key words: education oriented to a personality, education, pedagogues, learner, pedagogical activity, knowledge, practice.

Жамият ҳаётида юзага келадиган ҳодиса ва воқеаларнинг кечиши жараёнларига эътибор қаратсақ, барчасининг замирида таълим-тарбия, аниқроғи, унинг натижавий

қўрилишида бирон бир ижтимоий ҳуққ модели йўналданганилигини кузатиш мумкин. Ҳуққ модели, мазмундорлиги жиҳатидан ижтимоий маъқулланган ёки

маъқулланмаган бўлиши мумкин. Агарда, бу масалага педагогик фаолият нуктаи назари билан қарасак, таълим-тарбия бериш жараёнида профессор-ўқитувчилар қатор вазифаларни бажариши натижасида, таълим олувчиларга маърифий жиҳатдан мақсадли таъсир кўрсатиши мумкинлигини кузатамиз. Таъкидлашча “педагогик вазифаларни самарали бажариш жараёнида билимларни тизимлаштириш, шу жумладан, ўқув-тарбиявий ишларнинг мақсади, предмети ва методларини инobatга олган ҳолда ёндашиш трансформациялаш дейилади” [6:13]. Шу сабабли, бу вазифаларнинг муҳимлари сифатида - ахборот бериш, дунёқарашни шакллантириш, ҳаёт йўлини танлашни ўргатиш, маданийлаштириш, мулоқотга тайёрлаш (жумладан касбий), мақсади шакллантиришни ўргатиш, позитив “МЕН”ни шакллантириш кабиларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Мазкур масаланинг миллий манфаатлар тизимида тутган ўрни бўйича мазмундорлигини Президент Ислоҳ Каримов ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан билдирган табрик нутқида алоҳида таъкидлаб, жумладан: “Бу дунёда ҳар қайси онгли инсон - қаерда ишламасин, қандай касбу - қор, лавозим эгаси бўлмасин, унга билим ва тарбия бериб, ҳаётга йўллаган муҳтарам ўқитувчи ва мураббийлари олдида ҳамиша қарздорлик ҳисси билан яшайди. Ҳақиқатан ҳам, ўзининг кўз нури, қалб кўри, бутун борлиғини бағишлаб, барчамизга эзгуликдан сабоқ берган, отадек муътабар, онадек меҳрибон сиз, азиз устозларнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган машаққатли ва шарафли меҳнатингиз учун ҳар қанча таҳсин ва ташаққурлар айтсак, арзийди” [11] - деб кўрсатиб ўтган.

Таълим-тарбиянинг мазмуни жамиятда жорий этилган ижтимоий меъёрлар ҳамда амал қилинаётган қадриятларга боғлиқ бўлиб, “жамиятда тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга қўйиладиган талаблар ўсиши баробарида, ўқитувчи шахси ва унинг фаолиятига нисбатан қўйиладиган талаблар ҳам ўсиб боради” [7:47]. Бу аснода таълим жараёнида мультимедиа таълимнинг услубий-дидактик асосини яратиш ва акмеотехнологияларини ишлаб чиқиш амалий аҳамият касб этади. Негаки, талабаларнинг жисмоний ва ақлий ривожланишида когнитив ва амалий фаолият бирлигини таъминлашга эришиш шахсга йўналтирилган таълим мазмунининг муҳим принципларидан биридир. Шахсга йўналтирилган таълим мазмуни назарий ва амалий аҳамиятини белгилаш учун, унинг таркибий қисмлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш лозимки, уни қуйидагича кўрсатиб ўтиш мумкин:

Биринчидан, бу шахснинг тажрибаси, яъни табиат, жамият, тафаккур, техника ва фаолият турлари ҳақидаги билимларининг тизими. Бунда, таълим қуйидагиларни қамраб олиши мақсадга мувофиқдир:

- кундалик фаолиятни ифодаловчи асосий ибора ва тушунчалар ҳамда ҳаёт ҳақиқатини ифодалаб берувчи илмий билимларни ўзлаштирилганлигини;
- илгари сурган ғояларини ҳимоялаш учун кундалик фаолият ва фан далилларидан фойдалана олиш, яъни олган билимларни турли педагогик вазиятни инobatга олган ҳолда қўллай олиш малакасини ўзлаштиришни;
- турли жараёнлар орасидаги алоқадорликларни шарҳлаб берувчи фаннинг асосий қонуниятларини эгаллаб, реал ҳаётда улардан амалий фойдалана олиш кўникмасини эгаллашни;
- турли объектлар орасидаги алоқадорлик қонуниятини белгилаш услубларидан фойдаланишни, уларнинг динамик ўзгаришини прогнозини амалга оширишни таъминловчи назарияларни эмпирик моделларга тадбиқ қила олишни;
- илмий фаолият турлари ҳақида билим, билиш услублари ва илмий билим олиш тарихини билиб, жорий педагогик модел ва эмперик моделлар орасидаги тафовутни илмий услублар асосида белгилай олишни.

Таркиблар турли белгилари бўйича бир-биридан ажралиб турсада, бунда билим ва билимдонлик бирлаштирувчи элемент ҳисобланади.

Иккинчидан, амалий педагогик фаолият тажрибаси, бу ҳаёт-фаолият давомида онгли ҳаракатларни бажариш учун қўлланиладиган билимлар мажмуаси ҳисобланиб, умумтаълим ва шахснинг таянч маданиятининг илк таркиби сифатида ифодаланади. Бунда, ижтимоий ва биологик омилларнинг таъсири борлигини ҳам инobatга олиш лозим бўлади.

Намунали ҳаёт кечирish ва муваффақиятли фаолият юритиш учун фақатгина билимни ўзлаштирилганлигининг

ўзи кифоя эмас. Эмпирик тажрибалар ҳамда тадқиқий кузатувларнинг натижаси шуни кўрсатмоқдаки, билимдонлик даражасининг юқорилиги ва эгаллаган билимни амалиётга қўллаш кўникма ва малакасига эга бўлиш орасида тафовут кузатилади. Шу сабабли, шахсга йўналтирилган таълимда, назарияни амалиётга қўллаш маҳоратини эгаллашга алоҳида эътибор қаратилади.

Учинчидан, касбий фаолият тажрибаси таълим олувчи томонидан янги таълимий машқларни ечишни таъминлайди. Тажриба мазмунининг асосий кўрсаткичи қуйидагиларда намоён бўлади:

- ўзлаштирилган билим ва эгаллаган малакани мустақил тарзда бошқа педагогик вазиятга ўткази олишда;
- аниқ педагогик вазиятда янги муаммони белгилай олишда;
- турли фаолият усулини комбинациясини (бир-бирига мослаштириб бир бутунлик ҳосил қилиш) бажара олишда;
- педагогик муаммони ечишнинг муқобил усулини танлай олишда;
- педагогик муаммони ечишда мутлоқ янги усулни қўллай олишда.

Бунда назарий билимларни амалиётга қўллаш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Бу ўз навбатида, шахсга йўналтирилган таълимда муаммовий педагогик вазиятлар омилига алоҳида эътибор қаратилишини кўрсатади.

Тўртинчидан, шахснинг муносабатга қира олиш тажрибаси, таълим мазмунининг бу таркиби, мотивациявий-қадриятлар ва ҳиссий-иродавий тизимлар мажмуасини қамраб олган бўлади. Унинг ўзига хослиги, дунё, фаолият ва атрофдагиларга меъёрий (баҳоли, яъни ижобий/салбий) муносабат билдира олишда намоён бўлади. Бу ўз навбатида, таълим бериш ва таълим олиш жараёнида шахсни яхлит педагогик-психологик тизим тарзида идрок этишни тақозо этади.

Ҳар бир таълим олувчининг индивидуал билиш қобилиятларини ривожлантириш, субъектив (индивидуал) тажрибасини маданийлаштириб, уларнинг шахс сифатида ўзини англашини, мавжуд қобилиятларини намоён этиш йўллари белгилаб олиш техникасини ўргатишдан иборат.

Шахсга йўналтирилган таълим бир қатор қулайликларга эгалиги билан ажралиб туради. Бу қулайликларни белгилаш учун, унинг таркибий қисмларини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Шахсга йўналтирилган таълимнинг технология сифатидаги моҳияти: таълим олувчининг иқтидорини инobatга олган ҳолда ўқув фаолиятини мажмуавий тарзда таъминлаб, қўлланиладиган усул ва техникалар таълим олувчининг билиш фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган бўлади. Бу жараёнда, таълим олувчиларнинг субъектив тажрибасини ошириб, уларнинг шахс сифатида шаклланишини таъминлаш асосий мақсад сифатида амал қилади.

2. Шахсга йўналтирилган таълимда педагогнинг таълимга ва таълим олувчининг шахсига бўлган муносабати:

- таълим олишда субъектив тажрибага эга бўлиш шароитини яратишда;
- ҳар бир таълим олувчининг индивидуал тарзда камол топишини таъминлашда;
- таълим олувчининг индивидуаллигини, ўз қадриятларига эга эканлигини эътироф этишда ифодаланади.

3. Шахсга йўналтирилган таълимда таълим олувчининг индивидуал-психологик жиҳатдан таълим ва унинг жараёнига ёндашуви:

- таълим-тарбия жараёнидаги элементларни мустақил танлашда;
- ўз-ўзини англаш, ўз ҳаёт йўлини танлаш ва ўзини намоён этишда ифодаланади.

Таълим, бу таълим берувчи (педагог) ва таълим олувчи(талаба)ларни дидактик мақсад асосида, белгиланган ва жорий этилган тартиб бўйича ҳамкорликда амалга ошириладиган фаолиятдир. Бунда, “кечаётган ҳодиса-воқеаларни сабаб ва оқибат алоқадорлигини ўрганиш (билиш) жараёнини бошқариш, улар орасида амал қилинаётган қонуниятларни, юзага келиш ва кечиш динамикасини, ривожланиш босқичларини дидактик мақсад асосида педагог ва талаба ҳамкорлигида ўзлаштиришни тақозо этади” [10:24]. Бу ўринда дидактик мақсад ўзаро боғлиқ бўлган иккита фаолиятни ўзида мужассамлаштирган бўлади. Булар педагогнинг фаолияти ва талабаларнинг фаолияти.

Педагогнинг фаолияти, бу:

- 1) таълим-тарбиянинг мақсадини талабаларга аниқ далиллардан фойдаланган ҳолда тушунтириб бериш;
- 2) талабаларни янги билимлар мажмуаси билан таништириб, уларни қўллаш тартиби ва манзилни белгилаб бериш;
- 3) талабаларга узатилаётган таълимий ахборотни англаш жараёнини бошқаришни ўргатиш ва унинг ижтимоий аҳамиятлилигини ажратишни ўргатиш;
- 4) талабаларга назариядан амалиётга ўтиш жараёнини мувофиқлаштириш техникасини ўргатиш;
- 5) талабаларнинг индивидуаллигини инобатга олган ҳолда, уларнинг илмий-изланиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш;
- 6) талабаларни дидактик манбаларда келтирилган маълумотларни ўзлаштириш ва ривожланишини баҳолаб, дидактик мақсадга эришиш учун уларни йўналтириш.

Талабаларнинг фаолияти, бу:

1. ўқув фаолиятга нисбатан ижобий мотивацияни шакллантириш ва мустаҳкамлаш;
2. янги билим, маҳорат, маълумотларни таҳлил этиш ва синтезини амалга ошириш, киёслаш ҳамда тизимга келтириш қонуниятларини идрок этиш;
3. ҳодиса-воқеа ва жараёнларнинг сабаб ва оқибат алоқадорлигини, моҳиятини тушуниш;

4. ривожланиш (тараккиёт) давомида юзага келадиган муаммоларни амалий тарзда (ўқув машқ ва масалалар) ечиш;
5. турли вазиятларда ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз хулқига тўғри баҳо бериш.

Фан методологияси нуктаи назаридан, шахсга йўналтирилган таълим ҳаётий қўникмаларнинг академик билимлар каби зарурат эканлигини, ижтимоий мазмундорлиги юқори эканлигини эътироф этиб, хайрхоҳлик, ўзаро тушуниш ва макбул маънавий муҳитда таълим бериш ҳамда таълим олиш муҳитини яратишни тақозо этади. Бунда педагогнинг бошқа вазифалари қатори талабаларни ўқув фаолиятини бошқариш вазифаси мазмундорлиги жиҳатидан ажралиб туради. Боз устига, шахсга йўналтирилган таълимда ҳар бир таълим олувчининг маънавий дунёсининг бетакорлиги, ҳаётий тажрибалари ўз тузилишига эга эканлигига диққат қаратилишини инобатга олсак, бунда талабаларга ўз мақсадини англаш, шахсий имкониятлари ва иқтидорини инобатга олган ҳолда истиқболга қадам қўйишни ўргатишни ҳам талаб этади.

Шахсга йўналтирилган таълим концепцияси, инсон омилининг марказдалиги, билимларни узатишда асосий эътиборни уларнинг ҳаётийлигига қаратилганлиги, таълим олувчи индивидуал маънавий дунё соҳиби эканлиги, вазият омилини инобатга олган ҳолда малакаларни қўллаш олишни ўргатиш каби жиҳатлари билан ажралиб туради.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси «Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури». – Т.: 1997.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараккиёт йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 1992.
4. Ашилова М.С. Философия образования востока и запада: общее и особенное. // Автореферат диссертации кандидата философских наук. -Новосибирск: Университет, 2012.
5. Кригер Е.Э. Психологическое содержание и условия развивающего профессионального педагогического образования // Автореферат диссертации доктора психологических наук. - Москва: Российский государственный гуманитарный университет, 2014.
6. Самаров Р. Ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш механизми (услугий қўллаш). – Тошкент: Университет, 2015.
7. Холмухамедов М. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқитувчисининг педагогик компетенцияларини шакллантириш. // Замоновий таълим журнали. № 2, 2015.
8. Ғозиев Э., Самаров Р. Илмий ижод ва олимнинг шахси. // Таълим муаммолари. 2014, № 2.
9. Якиманская И.С. Личностно-ориентированное обучение в современной школе. - М.: 1996.
10. Калюжина Е.В. Высшее образование как социокультурный феномен: институциональный аспект. // Автореферат диссертации кандидата философских наук. – Челябинск: Челябинский государственный университет, 2012.
11. <http://xs.us/>

РЕЗЮМЕ

Мақолада шахсга йўналтирилган таълимнинг афзалликлари ва қулайликлари ҳақида фикр юритдик. Шахсга йўналтирилган таълим педагогнинг фаолияти ва талабаларнинг фаолиятини ўзида мужассамлаштирган бўлади. Талабаларнинг жисмоний ва ақлий ривожланишида когнитив ва амалий фаолият бирлигини таъминлашга эришиш шахсга йўналтирилган таълим мазмунининг муҳим принципларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтдик.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются преимущества обучения, направленного на личность человека. Обучение направленное на личность человека включает в себя деятельность педагога и обучающегося. В физическом и умственном развитии студентов одним из важных принципов обучения, направленного на личность человека, является достижение единства когнитивной и практической деятельности в физическом и умственном развитии личности.

SUMMARY

The article deals with the advantages and conveniences of the education, oriented to the personality. The person oriented education includes both-teachers' and learners' activities. One of the most essential principles of the person oriented education is to achieve the unity of cognitive and practical activities in physical and mental development of a person.

БАЛАНЫҢ ФИЗИОЛОГИЯЛЫҚ РАҶАЖЛАНЫҢЫНА ФИЗИКАЛЫҚ ШЫНЫҒЫҰЛАР ХӘМ ХӘРЕКЕТЛИ ОЙЫНЛАРДЫҢ ТӘСИРИ

П.Мырзамбетов - үлкен оқытыушы

Әжиян атындағы Нөкис мәмлөктлик педагогикалық институты

А.Аспетуллаев - ассистент оқытыушы

Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлөктлик университети

Таянч сўзлар: спорт физиологиясы, адам физиологиясы, физиологик ривожланиш, ҳаракатли ўйинлар.

Ключевые слова: спортивная физиология, человеческая физиология, физиологическое развитие, двигательные игры.

Key words: sport physiology, human physiology, physiological development, moving games.

Спорт физиологиясы – адам физиологиясының арнаўлы бөлими болып есапланады ҳәм булшық етлер ҳәрәкети тәсиринде организмдеги өзгерислерди ҳәм олардың механизмлерин үйренип, оның нәтийжелилигин арттырыў илажларын тийкарлайды [1]. Бул мақалада физикалық шынығыўлар ҳәм ҳәрәкетли ойынлардың балалардың физиологиялық раҷажланыўына тәсирилер анализленеди.

Дене тәрбиясы сабақларын шөлкемлестиреў ҳәм өткеріўде ең дөслеп ҳәзир ойналатуғын ойынның аты айтылады, оның тийкарғы мазмуну, ойнаў қағыйдалары түсиндириледі ҳәм балалардың жас өзгешеликлерине қарай ойындағы рольлер бөлистириледі. Соң, балаларға ойынның тәртибин сақлаўы қадағаланып, ойын даўамында балаларға түсетуғын психикалық ҳәм физикалық жүк ретлестиріледі, буннан соң

балалардың жас топарына муўапық ойын жуўмағын дағазалап, ойынды шөлкемлескенлик пенен жуўмақлайды.

Хәрәкетли ойынлардағы хәр бир ҳәрәкетте булшық етлер энергиясы сарп етиледі. Изертлеўлердің көрсетиўинше физикалық шынығыўлар ҳәм ҳәрәкетли ойынлар тәсириде балалар тезирек өседі ҳәм дене дүзиліси жетилисип барады. Буны физикалық активликтиң қан айланысын, дем алыўды ҳәм зат алмасыў процесслерин тезлестиреўине тәсири менен түсиндириў мүмкин. Усы процесслер нәтийжесинде клеткаларға, соның ишинде булшық етлер ҳәм сүйеклерге көбирек зәрүрли элементлер жеткерип бериледи ҳәм олар тез өсе баслайды. Сондай-ақ, ҳәрәкетли ойындар ҳәм физикалық шынығыўлар ишки органдардың өсиўи ҳәм раҷажланыўына да унамлы тәсир етеди.